

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**564 Тракторчи-машинистларга гувоҳномалар ва огоҳлан-  
тириш талонлари бериш тартиби тўғрисида низом-  
нинг 6-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
18 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2469-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабр-  
даги 345-сонли «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-уску-  
наларни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизи-  
мини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ  
**буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг  
2013 йил 11 майдаги 98-сонли буйруғи (рўйхат рақами 2469, 2013 йил  
14 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.,  
24-сон, 322-модда) билан тасдиқланган Тракторчи-машинистларга гувоҳно-  
малар ва огоҳлантириш талонлари бериш тартиби тўғрисида низомнинг  
6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Имтиҳонлар олишда тракторчи-машинистларга гувоҳномалар ва огоҳ-  
лантириш талонлари берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдори-  
дан:

йўл ҳаракати қоидалари бўйича имтиҳонлар олинганлиги учун —  
0,04;

техникани эксплуатация қилиш қоидалари бўйича имтиҳонлар олинган-  
лиги учун — 0,23;

ҳайдаш кўникмалари қоидалари бўйича имтиҳонлар олинганлиги учун  
— 0,23;

гувоҳнома берилганлиги учун — 0,17;

огоҳлантириш талони берилганлиги учун — 0,08 миқдорда йиғим унди-  
рилади.

Ҳар бир такрорий имтиҳон учун кўрсатилган сумма 2 баробар миқдо-  
рида ундирилади.

Йўқолган тракторчи-машинист гувоҳномаси ва огоҳлантириш талонла-  
ри ўрнига янгилари берилганлиги учун кўрсатилган сумма 5 баробар миқ-  
дорда ундирилади.».

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган.

**564-565-моддалар**

— 20 —

**47 (651)-сон**

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Вазир**

**Ш. ТЕШАЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 17 ноябрь,  
9-сон

**Келишилган:**

*Ички ишлар вазири*

*А. АХМЕДБАЕВ*

*2014 йил 14 ноябрь*

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

*А. ВАҲОБОВ*

*2014 йил 14 ноябрь*